

## **Олди - сотди шартномаси**

### **« 3 » – сонли**

**« 7 » январь 2022 йил**

Дархон - илмий тажриба хўжалиги, бундан бўён “Таъминотчи” деб аталувчи, раҳбари М.Тулаков низом асосида иш юритувчи бир томонидан ва “Самақандйўлкўкалам” Унитар корхонаси бундан бўён “Истъемолчи” деб аталувчи, раҳбари А.Раджбов низом асосида иш юритувчи иккинчи томонидан қуидагилар тўғрисида шартнома тузадилар:

#### **1. Шартнома предмети**

1.1. “Таъминотчи” эҳтиёжи учун лозим бўлган Манзарали кўчатлар ва бошқа турдаги маҳсулотларни етказиб беради. “Истъемолчи” эса Манзарали кўчатлар ва бошқа турдаги маҳсулотларни қабул килиб мазкур шартнома шартлари асосида тўловларни амалга оширади.

#### **2. Товар-моддий бойликларнинг нархи ва умумий қиймати**

2.1. Товар-моддий бойликларнинг қиймати Республикализ миллий валютасида белгиланади.

#### **2.2. Шартноманинг умумий қиймати 1 000 000 000 ( Бир миллиарт ) сўм истъемолчи талабномага асосан маҳсулот келишилган ҳолда етказиб берилади**

2.3. “Таъминотчи” товар-моддий бойликларнинг қиймати (нархи) ошганлиги натижасида ўзгарганда, “Истъемолчи”ни олдиндан хабардор қиласи, товар-моддий бойликларни ўзгарган нархда томонларнинг келишувига асосан кўшимча шартнома тузилади.

2.4. “Истъемолчи” ўзгарган нархлар бўйича кўшимча шартномага асосан тўловларни амалга ошириши лозим.

#### **3. Тўлов шартлари**

3.1 “Истъемолчи” етказиб бериладиган маҳсулотнинг умумий нархининг 30 % олдиндан, колган 70 % эса товар-моддий бойликларни қабул килиб олгандан сўнг 5 банк куни ичida тўлаши шарт.

3.2. “Истъемолчи” мазкур шартноманинг 3.1 банди талблари бажарилмаган тақдирда “Таъминотчи” шартномада кўрсатилган маҳсулотларни бермасликка ҳакли.

3.3. “Таъминотчи” товар-моддий бойликларини ўз вактида етказиб бермаса, бунинг натижасида иккала томонга хам жиддий заарар етказилса “Истъемолчи” бир томонлама шартномани бекор қилишга ҳакли.

#### **4. Товар-моддий бойликларни етказиб бериш тартиби**

4.1. Товар-моддий бойликни белгиланган вактида “Истъемолчи” “Таъминотчи”нинг омборхонасида олади.

4.2. Товар-моддий бойликларни етказиб бериш тартиби ушбу шартноманинг 3.1 бандига асосан пул маблағлари “Таъминотчи”нинг ҳисоб ракамига ўтказилгандан сўнг бир ой давомида бажарилиши шарт.

4.3. Товар-моддий бойликлар тегишли тартибда расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилгандан сўнг “Истъемолчи”нинг ишончли вакилига, шаҳсини тасдиқловчи хужжатлар асосида чикарилади.

4.4. Ишончнома нотўғри расмийлаштирилган ҳолда “Таъминотчи” товар-моддий бойликларни чикаришдан бош тортишга ҳакли.

4.5. “Истъемолчи” товар-моддий бойликларни “Таъминотчи”нинг омборидан олиб кетиш ҳаражатларини ўз зиммасига олади.

#### **5. Томонлар мажбуриятлари**

##### **5.1. “Таъминотчи” мажбуриятлари:**

– Шартноманинг 3.1 банди ўз вактида амалга оширилгандан сўнг “Истъемолчи”га шартномада кўрсатилган товар-моддий бойликларни бериш;

– Товар-моддий бойликни етказиб келтирилганлиги ҳакида “Истъемолчи”ни хабардор қиласи.

##### **5.2. “Истъемолчи” мажбуриятлари:**

– товар-моддий бойликларни қабул килиб олгунга қадар “Таъминотчи”нинг омборхонасида кўздан кечиради ва унинг сифатига, бутунлигига, яроклилигига эътибор бериб текшириб олади.

– товар-моддий бойликлар “Таъминотчи”нинг омборхонасида “Истъемолчи” қабул килиб олингандан сўнг жавобгарлик тўлиқ “Истъемолчи” зиммасига юкландади.

#### **6. Тарафлар жавобгарлиги**

6.1. Томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида”ги Қонунига ва бошқа қонун хужжатларига асосан жавобгар бўладилар.

6.2. Тўловлар шартномада кўрсатилган муддатлардан кечикирилган тақдирда, “Истъемолчи” кечикирилган ҳар бир кун учун шартнома умумий суммасининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирор бунда пеня шартноманинг умумий тўлов суммасини 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3. Товар-моддий бойликларини етказиб бериш кечикирилган тақдирда, “Таъминотчи” кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирор бунда пеня шартноманинг умумий тўлов суммасини 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.4. Пеня тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

6.5. “Истъемолчи” томонидан товар-моддий бойликларни ишлатилиши жараёнида содир этилган қонун бузилиши холатлари учун “Таъминотчи” жавобгар бўлмайди.

6.6. Шартномасининг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

#### 7. Шартномага ўзгаришиш киритиш ва уни бекор қилиш тартиби

7.1. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартноманинг шартларини бир тарафлама ўзгаришишга йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

7.2. Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд қарорига биноан факат иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузган ёхуд конунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгарилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

7.3. Бир тараф шартномани ўзгаришиш ёки бекор қилиш ҳакидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгаришиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

#### 8. Кўшимчалар

7.1 Икки томоннинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгаришиш ва кўшимчалар конуний кучга эга бўлади. Ўзгариш ва кўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Илова икки томоннинг муҳри ва имзоси билан тасдикланган бўлиши шарт.

#### 9. Форс-мажор.

8.1 Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлик бўлмаган сабабларга қўра ва енгиб бўлмайдиган куч мавжуд бўлган ҳолда ушбу шартномада тўғсатилган мажбурияълар бўйича жавобгар бўлмайди.

#### 10. Шартноманинг амал қилиш муддати.

9.1 Мазкур шартнома имзолангандан кундан кучга киради ва “31.” декабр 2022 йилгача амал килади.

9.2 Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки нусхаси ҳам тенг хукукий кучга эга бўлиб, банк ҳисоб китобларини амалга оширишга асос бўлади.

#### 11. Низоларни хал этиш тартиби

11.1. Шартномани тузиш, бажариш, ўзгаришиш ва бекор қилиш вактида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни коплаш тўғрисидаги низолар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктиносидий суди томонидан, шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки тарафларнинг келишувига биноан – иктиносидий суди томонидан кўриб чиқилади.

#### 12. Томонларнинг юридик манзиллари

“ТАЪМИНОТЧИ”

“Дархон” илмий-тажриба хўжалиги

Манзил: Тошкент вилояти, Тошкент тумани,  
Дархон МФЙ, Чимкент йўли 18-йи тел:2251034  
Х/р: 2021000904409172001,  
ИНН: 205693159, МФО: 01122  
ХАТБ “DAVR BANK” Юнусобод филиали

Директор:

М.Тулаков

Хукукшунос:

М.Сотволдиев



Рахбар:

А . Раджабов

“ИСТЕММОЛЧИ”

Номи «Самарқандийўлқўкалам» УКорхонаси  
Манзили \_\_\_\_\_

Х/р \_\_\_\_\_ ОКОНХ \_\_\_\_\_

СТИР \_\_\_\_\_ Банк \_\_\_\_\_

(Ушбу шартнома Узбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида”ги Конунига мос равиша тузилган)